

---

## 126 ЁШЛИ МОМО

ХОНАДОНИДА БЕШИНЧИ АВЛОД ВАКИЛИ ДУНЁГА КЕЛДИ.

Хабарингиз бор, туманимизнинг Қорақум қишлоғида дунёдаги энг ёши улуг Ҳувайдо момо Умарова истиқомат қилади. Унинг 7 нафар фарзанди, 52 набира, 67 эвара ва 70 нафар чевараси бор. Куни кеча момо хонадонидан бўлганимизда, унинг чевараси ўғил фарзандли бўлганидан хабар топдик. Ҳувайдо момо бешинчи авлод вакили- дувара кўрганидан ғоят хурсанд. У фарзандлари даврасида шукроналик билан юртимизда тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик бўлишини Аллоҳдан сўраб, дуо қилмоқда. Ҳ. ЗИЯТОВА.

2021-01-29 12:01:58